ТАБИИЙ ШАРОИТЛАР
АҲОЛИ ТУРМУШ СИФАТИГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева Шайхонтоҳур туманида барпо этилиши режалаштирилган янги истироҳат боғи ҳудудини кўздан кечирди.



ЖАМИЯТ

№ 37 (1004)
2026 йил
24 сентябрь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган





«40 МИЛЛИОН ХАЛҚ ҚАРАБ ТУРИБДИ»



Ўзбекистон Корея Республикаси билан ўрмонларни тиклаш ва экологик барқарорлик бўйича ҳамкорликни кенгайтиради



Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов Корея Республикасига ташрифи доирасида Корея Ўрмон хўжалиги хизмати (KFS), Осиё ўрмон хўжалиги ҳамкорлиги ташкилоти (AFoCO) ва Миллий боғлар хизмати (KNPS) раҳбарияти билан музокаралар ўтказди.

ЖАМИЯТ
2026 йил 24 сентябрь № 37 (1004)

ТАБИИЙ ШАРОИТЛАР АҲОЛИ ТУРМУШ СИФАТИГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева Шайхонтоҳур туманида барпо этилиши режалаштирилган янги истироҳат боғи ҳудудини кўздан кечирди.

Бу ерда кўл, кўкаламзор майдонлар пайдо бўлади ҳамда оилавий, болалар билан дам олиш, сайр қилиш, спорт билан шуғулланиш учун барча қулайликлар муҳайё қилинади.

“Тошкентга кўпроқ яшил масканлар керак. Айниқса, иссиқ иқлимимиз шароитида дарахтлар, сув ҳавзалари ва соя-салқин жойлар аҳоли турмуш сифатига бевосита таъсир кўрсатади”, — деди Саида Мирзиёева.

У бундай масканлар пойтахтимизнинг барча туманларида ташкил этилиши лозимлигини, шаҳарда истироҳат боғларини янада кўпайтириш, мавжуд яшил ҳудудларни асраб-авайлаш, янги экологик тоза мавзеларни барпо этиш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Корея Республикаси билан ўрмонларни тиклаш ва экологик барқарорлик бўйича ҳамкорликни кенгайтиради

Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов Корея Республикасига ташрифи доирасида Корея Ўрмон хўжалиги хизмати (KFS), Осиё ўрмон хўжалиги ҳамкорлиги ташкилоти (AFoCO) ва Миллий боғлар хизмати (KNPS) раҳбарияти билан музокаралар ўтказди.



Музокараларда ўрмонларни тиклаш, чўлланишга қарши кураш, биохилма-хилликни сақлаш ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш бўйича янги қўшма лойиҳалар муҳокама қилинди.

Хусусан, Экология қўмитаси ҳамда KFS ўртасида ўрмонларни рақамли тиклаш ва иқлим бўйича чора-тадбирлар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми имзоланди. Ҳужжат доирасида Оролбўйи ҳудудидаги ерларни тиклаш ва чўлланишга қарши кураш бўйича йирик қўшма лойиҳани амалга ошириш устувор йўналиш сифатида белгиланди. Бунда "Корея – Мўғулистон яшил камари" ("Korea–Mongolia Greenbelt") лойиҳаси тажрибасидан фойдаланилади. Шунингдек, 2027–2029-йилларга мўлжалланган ҳамкорлик “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда 27 та ботаника ва дендрология боғини ташкил этиш дастури доирасида Кореянинг тегишли ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

AFoCO билан учрашувда Ўзбекистоннинг ташкилотга қўшилиш жараёнларини якунлаш ва қўшма лойиҳаларни ишга тушириш бўйича аниқ қадамлар



белгиланди. Жумладан, Фарғона вилоятида Ўзбекистон – AFoCO – KT&G “Green Globe Project Uzbekistan Pine Forest” лойиҳасини 2027–2029-йилларда Корея Республикаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилди. Бундан ташқари, юқори технологияли кўчатхоналар, ин витро лабораториясини модернизация қилиш, углерод лойиҳалари ва қурғоқчиликка чидамли экинларни тижоратлаштириш бўйича учта янги лойиҳа тайёрланади. Оролбўйи ландшафтларини кенг кўламда тиклаш учун GCF га қўшма ариза тайёрлаш ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари, KNPS билан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш, биохилма-хилликни сақлаш, экотуризм ва экологик таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Биринчи пилот лойиҳа сифатида “Ўзбекистон – Корея” намунавий миллий боғини ташкил этиш белгиланди. Шунингдек, замонавий ташриф буюрувчилар маркази, тоғ қўриқчилари ва қидирув-қутқарув хизмати, миллий боғларни замонавий техника билан жиҳозлаш ҳамда муҳофаза этиладиган ҳудудлар учун ягона рақамли мониторинг марказини яратиш масалалари бўйича келишувларга эришилди.

Маълумот учун, Азиз Абдуҳакимов Корея Республикасида ўтказилган Ўрмонлар ва иқлим масалалари бўйича Корея – Марказий Осиё вазирлар форуми ҳамда Вазирлар диалогида ҳам иштирок этди. Унда Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёда “яшил" ҳамкорликни ривожлантириш бўйича янги ташаббуслар илгари сурилди.

ЖАМИЯТ
2026 йил 24 сентябрь № 37 (1004)
Ватан учун!
3



«40 МИЛЛИОН ХАЛҚ ҚАРАБ ТУРИБДИ»

«…Мен машинада кўп юраман, кўчада бир-бири билан мулоқот қилиб кетаётган ёшларни кўриб ўйлайман: қани энди улар энг бахтли кунлари шу эканини билсалар…

Биласизларми, Президент бўлиб мени нима қийнайди? Менга вақт етмайди!»

Сеулда давлат раҳбарининг ватандошларимиз билан мулоқотида шу сўзларини эшитиб, таъсирландим.

Биз Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифини ёритиш учун келган журналистларга ҳам, бутун делегациямизга ҳам, ва мана билдикки, Президентимизга ҳам вақт етмаяпти.

Тасаввур қилинг, Сеул 4 соат олдинда. 15 сентябрь Ўзбекистонда тонгги 6 бўлганида давлат раҳбарининг Корея Миллий ассамблеясида учрашуви бўлаётганди.

Президентимиз парламент спикери билан хайрлашаётганида айтган гаплари қулоғимга чалинди: «Ишларимиз жуда кўп, соат 4 да уйғонишга тўғри келяпти».

«Ишларимиз жуда кўп»нинг маъноси, менимча, шундай: Президентнинг иш дастурида тушга қадар 1 та учрашув, 1 та қабул, яна 200 кишилик Ўзбекистон-Корея бизнес форумида нутқ, ҳужжатларни имзолаш маросими, Ўзбекистон вилоятларида 5 та қўшма янги лойиҳага старт маросими, Кореянинг 10 та чебол компанияси (кўп тармоқли улкан оилавий бизнес) билан тет-а-тетлар. Бу вақтда эса яна бир залга одамлар тўпланди, Кореяда яшаётган, ўқиётган 50 га яқин ватандошлар маҳтал турибди. Бу ишларни бошида туриш тугул, шунчаки ўқиб кўрсангиз ҳам «ээҳе» деб юборасиз.

Костюм-шим кийган жиддий одамларнинг гапларини эшитиб қоламан: «балки ватандошлар билан учрашув “отмен” бўлар? Учрашувга кирманг, деб айта қоламиз, саммитга тайёргарлик кўришлари керак, ҳали “обед” ҳам қилмадилар».

Тушлик қилмай ишлашларига биз ҳам гувоҳмиз, айниқса, хорижда тадбир-тадбирга уланиб кетаверади. Кўпроқ одам билан гаплашишга ҳаракат қилади Президент. Кўпроқ фойда олиб кетай юртимга, дейди Президент.

Бир кун ичида ниҳоятда кўп одам билан гаплашиб, топшириқлар бергани, нутқ ўқигани — «нон-стоп» режими ўз таъсирини кўрсатади: Президент баъзан томоғи қирилаётгани учун узр сўрайди, «булар менга сув ҳам бермайди» деб ярим ҳазил, ярим чин айтади.

Аудитория ёшлардан иборат. «Эл-юрт умиди» жамғармасининг стипендиатлари, ёки «аллақачон туп қўйиб палак ёзганлар» — 50 доллардан бизнес бошлаб, бугун Ўзбекистондан импорт қилаётганлар, ёки университетда 7 корейс талабага ўзбек тилини ўргатишдан бошлаб, ҳозир йилига 70 дан ортиқ талаба ўқитаётган олималар ҳам бор.

Президент уларга ташриф тафсилотларини тушунтиради, нега Кореяга келгани, муносабатларимиз қандай ривожланиб бораётгани, шу ердаги фуқароларга қандай кўмак бериш мумкинлиги ҳақида суҳбатлашади. 10 га яқин ёшларнинг таклифларини тинглайди.

Протокол хизмати бир неча бор раҳбар олдига келиб эслатади: «9 соат бўлди».

Давлат раҳбари эса мулоқотда давом этади. Журналистлар мағзини чақишга уринамиз. Тўхтовсиз ишлаётганларига 9 соат бўлдими ёки муҳим тадбир бошланишига 9 соат қолдими?

Учрашувда Кореяда тадқиқот қилаётган Елена Чуянова «тез-тез, шошилинч маданият»ни эслатади: 빨리빨리 문화 (ппалли-ппалли мунхва). Яъни, тараққиётдан ортда қолмаслик шарти – вақтни енгиш, нафақат «жисман», балки «маънан енгиш».

Кореяни ривожлантирган бу маданият Президентимизнинг «шошилмасдан шошилиш» принципига ўхшайди. Замондан ортда қолмайдиган Ўзбекистон қуриш орзуси бу.

«Бир дақиқа ҳам вақтларингни бекорга ўтказманглар. 5 йил ўтади, 10-15 йил ўтади. Ким бошқаради Ўзбекистонни? Сизлар. Тўғри, соғинч қийнайди. Ватан соғинчи аламида кўпроқ илм олинглар, ватанга садоқат билан хизмат қилинглар».

9 соат «тик оёқда» ўтган кун барибир якунланмайди. 16 сентябрда Марказий Осиё бешлиги ва Корея саммити бўлади, ҳозир бориб Президент ўз нутқини, ташаббусларни тайёрлайди.

Қачон раҳбар дам олади — бу саволга жавоб топиш бутун делегация учун ҳозирча жумбоқ.

У инсоннинг бутун фаолияти мана бу сўзларда акс этади: «Ўзимниям қийнайман, сизларниям, ишламагунларингча қўймайман, бизга 40 миллион халқ қараб турибди. Уларни рози қилишимиз керак».

Азиза ҚУРБОНОВА,
Тошкент-Сеул-Тошкент


Жамият тараққиётининг муҳим омили

Ҳар қандай демократик ва ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири-қонун устуворлиги таъминланишидир. Жамиятда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда қонун устуворлиги муҳим аҳамият касб этади.

Қонун барча учун бир хил бўлиши, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши ҳамда қонун талабларига риоя қилиши лозим. Қонунга ҳурмат руҳини шакллантириш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади. Бу борада прокуратура органларининг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш прокуратура органларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Айниқса, ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин чора кўриш билан бир қаторда, унинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, профилактика ишларини кучайтириш ҳам муҳимдир.

Ҳар бир фуқаро қонунга риоя қилса, ўз ҳуқуқини билса ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилса, жамиятда ҳуқуқий маданият юксалади. Шу боис қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг умумий вазифаси ва масъулиятидир.

О. БАҲРОНОВ,
Қарши ҳарбий прокуратураси адлия майори



Келгуси баҳордан Нукус туманидаги 10 минг гектар майдонда қовун етиштириш бошланади.

Йил якунигача Испания, АҚШ, Нидерландия ва Хитойдан қовуннинг энг яхши навлари, уруғчилик ва агротехнология бўйича мутахассисларни олиб келиш топширилди.

Салоҳиятли инвесторларни жалб қилиб, шу ернинг ўзида қовунни қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланадиган холдинг ташкил этилади.

Нукус туманидаги техникум қовунчиликка мослаштирилиб, лаборатория ва синов полигони билан таъминланади.

Ушбу муассаса Қорақалпоғистон, Хоразм, Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарёдаги қовун етиштирувчилар учун тажриба алмашиш методик маркази бўлади.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ЖАМИЯТ

2026 йил 24 сентябрь № 37 (1004)



ҚАДРИЯТ ТАҚВИМГА КИРГАН САНА

Ўқитувчи — кўп авлодларнинг хотирасида нур сочиб турадиган улуғ тимсол. У қўлдан ушлаб, ҳарфнинг шаклини кўзимизга, маънонинг иссиғини қалбимизга олиб кирган инсон; биринчи саволларимизни жимгина эшитиб, шошмасдан йўл кўрсатган устун. Шунинг учун ҳам вақт ўтиб, шароитлар алмашса-да, ўқитувчи ҳақидаги сўз ўчмайди: у янги авлод билан бирга янада теран мазмун касб этади.

Ўзбек тилида бу улуғ шахс турли номлар билан аталган: ўқитувчи, устоз, мураббий, муаллим, домла, педагог. Бир қарашда атамалар кўпайгандек туюлади, аммо ҳар бири ўз тарихи, маънавий ранги ва ижтимоий вазифаси билан қимматли; уларнинг йиғиндиси эса ягона маънони — инсонни камолга етаклаш, илм ва тарбия орқали жамиятни мустаҳкамлаш вазифасини англатади.

“Ўқитувчи” атамаси совет даврида русчадаги “учитель” сўзи муқобили сифатида оммалашган. Лекин сўз тақдирини луғат эмас, халқ руҳи белгилайди: ўзбек жамияти бу атамани расмий лавозимдан кўра кўпроқ маънавий масъулият, ишонч ва фидойилик рамзи сифатида қабул қилди. Шу боис ўқитувчи бизда фақат методикаси билан эмас, балки тилни асраши, қадриятни узатиши, болада ишонч уйғотиши билан ҳам қадрланади.

“Устоз” — Шарқ тафаккури ва адабиётидан сув ичган сўз. У синф чегарасини кенгайтиради: ҳунарга ҳам, санъатга ҳам, шеърият ва одобга ҳам йўл кўрсатадиган шахсни англатади. Биз кимнидир “устоз” деб атаётганда, унда дарсликдан ташқари ҳаётий донолик, кучли инсонпарварлик, масъулият ва етакчиликни ҳам кўрамиз.

“Муаллим” араб тилидан кириб келган бўлиб, “билим берувчи” маъносини англатади. Мадрасаларда муаллим савод очган, Қуръон ўқитган, илм билан бирга виждонни ҳам парвариш қилган; шунинг учун бу ном ҳозир ҳам адабий нутқ ва тантанали табрикларда улуғвор янграйди.

“Домла” — халқ оғзидаги самимий ҳурмат. Илгаридан илмли ва зиёли кишиларга нисбатан ишлатилган бу ном ҳозир ҳам шогирд тилида “домлам” деган самимий миннатдорликка айланган: унда расмий мурожаатдан кўра кўпроқ қалбий эҳтиром бор.

“Мураббий” — тарбия билан чамбарчас боғлиқ тушунча. У боланинг ички дунёсидаги учқинни уйғотади, одоб-ахлоқни амалда ўргатади, характерни шакллантиради. Шу сабаб у спортда ҳам, маданиятда ҳам, мактаб ва боғчада ҳам ишлатилади — чунки мураббий шахс бунёдкори демакдир.

“Педагог” — дунёда умумқабул қилинган касбий ном. Бугунги Ўзбекистонда педагог деганда мактабдан тортиб, болалар боғчаси ва олий таълимгача бўлган узлуксиз тизимда меҳнат қилаётган мутахассис назарда тутилади; у касбий меъёр, методик ёндашув ва масъулиятга суянади.

Устозга ҳурмат асрлар синовидан ўтган қадрият. Антик Юнон ва Римда устоз-шогирд мулоқоти жамият маънавий қиёфасини белгилаган; Шарқ анъанасида муаллим, мураббий ва домланинг ўрни доимо юксак бўлган; ислом тамаддунида илм олиш фарз деб белгиланган устоз мақомини янада мустаҳкамлаган. Туркий адабиётда Юсуф Хос Ҳожиб билимни нурга қиёсласа, Навоий устодни камолот калити деб улуғлаган. Демак, расмий байрам туғилмасидан олдин ҳам устозга эҳтиром халқ ҳаётида маданий эҳтиёж сифатида яшаб келган.

XX асрда таълим оммавий тус олди: мактаблар кўпайди, саводхонлик кенгайди, болалар меҳнатини чеклаш каби туб ислоҳотлар амалга оширилди. Бу жараён табиий равишда устозни улуғлайдиган кунларнинг шаклланишига олиб келди. Кўп давлатлар санани муайян шахс, тарихий воқеа ёки таълим ислоҳоти билан боғлади. Масалан, Ҳиндистон 5 сентябрни президент ва файласуф Сарвепалли Радхакришнан таваллуди муносабати билан нишонлайди; Аргентина 11 сентябрни маориф ислоҳотчиси Доминго Ф. Сармиенто хотирасига бағишлайди.

Ўзбекистон эса ўз йўлини танлади: 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни. Бу сана мактаб ўқитувчисинигина эмас, балки тарбияга ҳисса қўшган ҳаётий устозни, маҳалладаги мураббийни, домла ва муаллимни — бир сўз билан айтганда, ёшнинг дунёқарашини шакллантиришга ҳисса қўшган ҳар бир инсонни улуғлайди. Байрамнинг руҳи халқона ва кенг қамровли: гул ва табрикдан ташқари, фикр алмашиш, дастур қўйиш, амалий қадамларни муҳокама қилиш учун ҳам майдон очади.

Бу байрам, аслида, масъулиятга чорлов. Биз ўз-ўзимизга савол қўямиз: устозни қандай қўллаяпмиз? Дарс хоналари қай аҳволда, лаборатория ва китоблар етарлими, интернет барқарорми, хавфсизлик кафолатлими? Синфлар ихчамлашмоқдами, бюрократик оғирлик камаяптими? Устознинг маоши тинч ўқитишга имкон берадими, малака ошириш эшиклари очиқми? ЮНЕСКО ҳисоб-китобларида 2030 йилгача дунёга ўнлаб миллион янги ўқитувчи кераклиги таъкидланади — бу эса касб нуфузини ошириш, моддий рағбат ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш долзарблигини кўрсатади.

Шу маънода сўнгги йилларда юртимизда амалий қадамлар изчил давом этяпти. Президент фармон ва қарорлари асосида ўқитувчилар меҳнатига рағбат кучайтирилди: 2024 йил 12 августдаги фармонга мувофиқ, 1 октябрдан устамалар минимал иш ҳақига боғланди ва ҳисоб-китоблар автоматик тарзда кўтарилди. 2025 йилда боғча тарбиячилари маоши 65 фоизга оширилди, мактаб директорлари ва раҳбарлар иш ҳақи юқори даражада белгиланди, бир қатор қўшимча устамалар йўлга қўйилди. Бу чоралар устоз касбининг нуфузини ошириб, синфга кирган билим сифатига тўғридан-тўғри ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

2025 йил 15 сентябрь куни Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида соҳа ходимлари билан ўтказилган мулоқотда ҳам шу фикр амалда тасдиқланди: “Янги Ўзбекистонда энг муҳим соҳа – таълим, энг ҳурматли инсонлар – ўқитувчи ва мураббийлардир!” – деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Ислоҳотларнинг ҳаётдаги ифодаси ҳам кўринаётир: айрим ҳудудларда синфлар ихчамлашмоқда, лабораториялар ишга тушмоқда, қишлоқ мактабларига интернет кенгаймоқда. Ота-она билан ҳамжиҳат мажлислар одатга айланиб бораётир: мақтов ва таклиф бирга эшитилади, боланинг кучли томони рағбатланади, қийналган жойи учун ҳамкорликда ечим қидирилади. Устоз юзидаги табассум — энг катта байрам: у табассум ортида кечаги тайёргарлик, эртанги имконият ва кундалик сабрнинг иссиғи бор.

Шу билан бирга, техника шиддат билан илгариламоқда: рақамли дарслар, масофавий таълим, сунъий интеллект — барчаси янги имкониятлар эшигини очади. Бироқ инсонга инсонийликни, ҳамдардлик ва масъулиятни фақат инсон устоз ўргатади. Компьютер маълумотни тез етказиши мумкин, аммо боланинг кўзидаги иккиланишни фақат устоз сезади; алгоритм тест тузади, лекин ишончни одамнинг ўзи беради. Шунинг учун устозга ишонч — энг самарали сармоя; ишонч бор ерда янгича усул, кучли натижа ва барқарор сифат пайдо бўлади.

Ҳар биримизда шундай лаҳза бор: тақта олдида адашганимизда устозимиз юзини бурмасдан, яна бир имконият берган. Шу майда кўриниши ортида катта маъно ётарди — у бизга фақат жавоб эмас, ўзимизга ишонишни ўргатган. Кейинроқ тушунамизки, ана шу ишонч катта ҳаётда ҳам йўл ёритади, танловда дадиллик беради.

Ёки синфга янги китоб кирган кун: саҳифаларнинг ҳиди, устознинг суҳбати, ҳар биримизга берилган навбат. Биз фактни ёдлаш билан чекланмаганмиз; савол берганмиз, баҳслашганмиз. Савол — мустақил фикрнинг биринчи қадами; мустақил фикр эса жамиятнинг эртасига ишонч қўшади.

Шу боис байрамда гул ва табрик албатта чиройли. Лекин энг теран табрик — амал: бир мактабга янги китоб айланмасини йўлга қўйиш, бир лабораторияни асбоб-ускуналар билан тўлдириш, қишлоқ мактабига барқарор интернет улаш, ёш муаллимга тажрибали устозни бириктириш, тадбиркор ва ОТМлар билан ҳамкорликни кучайтириш. Мана шундай ишлар байрам руҳини календар саҳифасидан чиқариб, бутун йил давомида яшатади.

Сўзларимиз ҳам тарбия қилади: “ўқитувчи” — билим ва методика; “устоз” — ҳаётий донолик; “муаллим” — маънавий тарбия; “домла” — халқона ҳурмат; “мураббий” — характер бунёдкори; “педагог” — касбий мезон ва масъулият. Бу боғинлар бирга ишлаганда таълим тизими мустаҳкамланади; бири сусайса, бутун тузум бундан таъсир кўради.

Хулоса равшан: устозга ҳурмат — келажакка ишонч ва сармоя. Бу сармоянинг меваси боланинг кўзларида — қизиқаётган, излаётган, савол бераётган кўзларда кўринади. 1 октябрь — ана шу ишонч ва меҳрга таъзим. Бугунги гул эртанги ислоҳотга сабаб бўлсин; сўз натижага, табрик эса амалга айлансин.

Б.ҚОДИРОВ,
А.АТАЕВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ходимлари

ЖАМИЯТ
2026 йил 24 сентябрь № 37 (1004)



САМАРҚАНД

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

15 сентябрь — Халқаро демократия куни муносабати билан 2026 йил 17 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида “Демократик тараққиётда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти: Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари тажрибаси” мавзусида Марказий Осиё фуқаролик жамияти форуми бўлиб ўтди.

Тадбир Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази ташаббуси билан БМТ ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, шунингдек, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, “Юксалиш” ҳаракати, Прогрессив ислоҳотлар маркази, “Тараққиёт стратегияси” маркази, ЎзННТМА ҳамда Ўзбекистон аёллар ва қизлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Форум АҚШ, Канада, Бельгия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Испания, Франция, Швеция, Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларидаги ақл марказларидан ташриф буюрган халқаро экспертлар, шунингдек, мамлакатимиздаги жамоат тузилмалари, илмий-тадқиқот институтлари, давлат органлари ва ОАВ вакилларидан иборат 200 нафарга яқин мутахассисни бир даврага жамлади.

Таъкидлаш керакки, ҳар йили Халқаро демократия куни доирасида демократиянинг замонавий ривожланиш тенденциялари ва долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. 2026 йилда мазкур сана “Инсон ҳуқуқларини диққат марказига олиб чиқиш” мавзуси остида ўтказилмоқда.

Форумнинг айнан Самарқанд шаҳрида ташкил этилгани ҳам ўзига хос рамзий аҳамиятга эга. Асрлар давомида Самарқанд Шарқ ва Ғарбни, турли халқлар, маданиятлар, динлар ва ғояларни боғлаб келган цивилизациялар чорраҳаси бўлиб, бу заминда тараққиёт мулоқот, ўзаро ҳурмат, илм-маърифат ва ҳамкорлик билан уйғун ривожланиб келган.

Халқаро экспертлар фикрига кўра, бугунги кунда жаҳонда кузатилаётган геосиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги, иқлим ўзгариши, миграция жараёнлари, ахборот маконида ишончли ахборотни таъминлаш билан боғлиқ масалалар давлат ва жамият ўртасидаги мулоқот ҳамда ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бундай шароитда демократик тараққиётни таъминлаш, ижтимоий барқарорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, очиқлик ва ҳисобдорликни кучайтириш, аҳолининг қарор қабул қилиш жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мазкур жараёнларда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратини таъминлаш, инсон манфаатларини илгари суриш, аҳоли фикрини давлат органларига етказишда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу маънода, замонавий демократик тараққиёт давлат бошқаруви органларининг очиқ ва ҳисобдор фаолияти, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг ташаббускорлиги ва фаол иштироки билан узвий боғлиқ.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатларида давлат бошқарувини модернизация қилиш, жамоатчилик билан мулоқотни кучайтириш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, инсон манфаатларини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш борасида муайян тажрибалар шаклланди.

Форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаш борасида илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Хусусан, “яшил” энергетика соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, трансчегаравий сув ресурслардан оқилона фойдаланиш, Оролбўйидаги экологик муаммолар ҳамда иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этиш бўйича қўшма саъй-ҳаракатларни кучайтириш Ўзбекистон минтақавий сиёсатининг муҳим устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Шу билан бирга, ҳар бир мамлакатда мазкур йўналишларни амалга ошириш ўзига хос тарихий, миллий ва институционал хусусиятларга эга. Бу эса минтақада ўзаро тажриба алмашиш, умумий ёндашувларни муҳокама қилиш ва илғор амалиётларни кенг татбиқ этиш учун муҳим асос яратади.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари тажрибасини қиёсий ўрганиш, демократик тараққиётнинг умумий тенденцияларини аниқлаш, мавжуд масалаларни таҳлил қилиш ва истиқболли вазифаларни белгилаш форум муҳокамаларининг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Очилиш маросимидан сўнг форум ўз ишини “Халқчил бошқарув ва ижтимоий шериклик: ислоҳотларни амалга оширишнинг замонавий механизмлари”, “Инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли”, “Янги Ўзбекистон – Марказий Осиёда умумий тараққиёт ва яхши қўшничилик драйвери” мавзуларига бағишланган учта параллель тадбирда давом эттирди.

Сессиялар доирасида Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларида фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, экспертлар ва ННТлар тармоқларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, минтақада фуқаролик жамияти институтлари учун доимий мулоқот платформаларини ривожлантириш, ижтимоий инновациялар ҳамда самарали ННТ амалиётларини ом малаштириш бўйича қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Жумладан, Қозоғистоннинг “Ерменсай” жамоат бирлашмаси раҳбари Людмила Сенгирбаева мамлакатида маҳаллий ижтимоий муаммоларни ҳал этишда “давлат — фуқаролик жамияти — маҳаллий ўзини ўзи бошқариш” уч босқичли модели шаклланганини ўртоқлашди.

Унда асосий ёндашув анъанавий маъмурий бошқарувдан фуқаролар ва ННТларни қарор қабул қилиш жараёнига жалб этувчи иштирокчи бошқарувга ўтишга қаратилганини билдирилди. Таъкидлашича, бу ҳамкорлик Фуқаролик форуми, вазирлик ва ҳокимликлар ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда жамоатчилик назорати институти орқали амалга оширилади. Жамоатчилик кенгашлари таркибининг камида 70 фоизини жамоатчилик вакиллари ташкил этиши фуқаролар овозини қарорларга олиб киришга хизмат қилади.

Тожикистоннинг “Иқтидор” жамоатчилик ташкилоти бошқарув Кенгаши аъзоси Нодира Раҳмонбердиева жамоатчилик мониторингини давлат ва аҳоли ўртасидаги самарали қайта алоқа механизми сифатида эътироф этди. Хусусан, жамоатчилик мониторинги давлат ва аҳоли ўртасидаги самарали қайта алоқа механизми сифатида муаммони аниқлашдан тортиб маълумот тўплаш, фактни текшириш, таҳлил, тавсия, давлат билан мулоқот ва тавсиялар ижросини қайта кузатишгача бўлган тўлиқ жараённи қамраб олиши кераклиги ҳақидаги фикрни илгари сурди.

Таъкидлаш ўринлики, тадбирда иштирок этган хорижлик экспертлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқот механизмларини такомиллаштириш ҳамда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни алоҳида қайд этдилар.

Форум глобал миқёсда демократик институтлар олдида янги чақириқлар юзага келаётган бир шароитда Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ва жамият ўртасидаги очиқ мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганини яна бир бор намоён этди.

Форум якунларига кўра, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тажриба алмашинувини кенгайтириш ва минтақавий мулоқотни ривожлантиришга қаратилган резолюция қабул қилинди.

Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази

ЖАМИЯТ

2026 йил 24 сентябрь № 37 (1004)



ТИЛНИ ЭМАС, ЗУЛМНИ ҚОРАЛАЙЛИК

Тарихни нима учун ўрганамиз? Ўтмишдаги адоватларни қайта тирилтириш, аждодлар қилган ёки бошидан кечирган зулм учун бугунги авлоддан қасд олиш учунми? Ёки кечаги хатоларни англаб, бугунни тўғри қуриш ва эртанги кунни янада осойишта қилиш учунми?

Жавоб аниқ: тарих қасд олиш учун эмас, сабоқ олиш учун ўқилади. Инсоният тарихи фақат шонли ғалабалар ва буюк кашфиётлардан иборат эмас. Унда урушлар ҳам бор, босқинлар ҳам, қатағонлар, адолатсизлик ва зулмлар ҳам. Халқлар бошидан кечирган фожиаларни унутиш бу жуда мураккаб масала. Аммо улардан нафратни мерос қилиб олиш ҳам тарихдан тўғри хулоса чиқариш эмас. Айниқса, қонли тарихни тил билан аралаштириб юбориш — жиддий адашишдир.

Бир халқнинг бошига тушган кулфат, унинг тарихида қолган оғриқли воқеалар учун муайян тилни айблаш мантиққа ҳам, маънавий мезонларга ҳам тўғри келмайди. Тил — зулм қилмайди. Тил — одамлар ўртасидаги мулоқот воситаси. Уни қандай мақсадда ишлатиш эса инсоннинг ўз қўлида. Ножоиз ишлатилган тилда эзгу сўз ҳам, ёвуз ният ҳам ифодаланиши мумкин. Бир тилда урушга даъват ҳам янграши, тинчликка чақириқ ҳам айтилши мумкин. Демак, гуноҳ тилда эмас, уни ёвуз мақсадга хизмат қилдирган тафаккур ва мафкурададир.

Шу маънода ўтмишдаги сиёсий зулмлар, босқинлар ёки ноҳақликлар учун бутун бир тилни «айбдор» қилиш — тарихий воқелик билан маданий меросни бир-бирига қориштириб юборишдир. Бунинг яна бир хавфли томони бор: тилдан юз ўгириш билан инсон ўз тафаккурининг имкониятларини ҳам қисқартиради.

Тил билиш қарамлик эмас, билимдир. Бошқа тилни билиш инсонни ўз тилидан айирмайди. Аксинча, ўз тилининг имкониятларини чуқурроқ англашга, бошқа халқларнинг дунёқараши ва маданиятини холисроқ тушунишга ёрдам беради. Дунё адабиётининг буюк намояндаларини ўрганиш ҳам шундай эҳтиёждан келиб чиқади. Масалан, Александр Пушкин, Михаил Лермонтов, Николай Некрасов сингари рус адабиёти вакилларининг асарларини ўқишни тарихий-сиёсий муносабатларга боғлаб, «бу тилда ёзилган» деган мезон билан рад этиш тўғри эмас. Асарни унинг тили эмас, инсоният маънавиятига қўшган ҳиссаси, бадиий қиммати ва инсон қалбига таъсири нуқтаи назаридан баҳолаш керак.

Пушкинни ўқиш империя сиёсатини оқлаш, Лермонтовни ўрганиш босқинчиликни маъқуллаш дегани эмас. Ёки Некрасов ижодидан баҳраманд бўлиш тарихдаги адолатсизликларни унутиш деган тушунча ҳосил қилмаслиги керак. Аксинча, буюк адабиёт инсонни тушунишга, унинг ички дунёсини англашга, адолат ва адолатсизлик ҳақида мушоҳада юритишга ундайди.

Биз Алишер Навоийни ўрганамиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини мутолаа қиламиз. Фурқат, Муқимий, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари ижодкорларимизнинг асарларидан маънавий озуқа оламиз. Шу билан бирга жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини ҳам ўрганишимиз керак.Чунки маданиятнинг чегараси бўлмайди. Буюк асарнинг миллати бор, тили бор, тарихи бор. Аммо унинг инсон қалбига айтган гапи умуминсоний бўлиши мумкин-ку!


Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари ўзбеккагина тегишли-ми?! Йўқ. Ёки Шекспирнинг драмалари фақат инглизлар учун-ми?! Толстой, Достоевский, Пушкин ёки Лермонтов асарларидаги инсон руҳияти тасвири ҳам бир миллат доирасида қолиб кетмайди. Зеро, адабиётнинг буюклиги ҳам шунда. Албатта, ҳар қандай асарни тарихий контекстдан узиб ўрганиш ҳам тўғри эмас. Муаллиф яшаган давр, унинг ижтимоий муҳити, сиёсий қарашлари, асар ёзилган замон ва унинг тарихий воқелик билан муносабати танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиниши лозим.

Бироқ, бу ўринда танқидий ўрганиш билан инкор этиш ўртасида катта фарқ бор. Биз ёшларга «буни ўқима, чунки тили бошқа» дейишдан кўра, «ўқи, англа, таққосла, хулоса чиқар» деган маданиятни сингдиришимиз муҳимроқ. Зеро, билимли инсон тарихни ҳам ҳиссиёт билан эмас, тафаккур билан ўқийди. У қатағонларни оқламайди, лекин нафратни ҳам мерос қилиб олмайди. Босқинчиликни қоралайди, лекин бутун бир халқнинг маданиятини рад этмайди. Ўз миллий қадриятларини асрайди, лекин бошқа халқларнинг маънавий меросидан қўрқмайди. Энг муҳими, у тарихдан қасос эмас, сабоқ излайди.

Бугунги дунёда миллатлар ўртасидаги муносабатлар фақат сиёсат ёки иқтисод билан эмас, маданият ва маърифат, билим билан ҳам белгиланаётганлигини кўриб, билиб турибмиз. Бошқа тилни билиш, бошқа халқ адабиётини ўқиш, унинг тарихини тушуниш — ўзлигидан воз кечиш эмас. Бу ўзлигини англаган ҳолда дунёни кенгроқ кўришдир. Бинобари ўз тилини севган инсон бошқа тилни ўрганишдан қўрқмаслиги керак. Аксинча, она тилига муҳаббат бошқа тилларга нафрат ҳисобига қурилмаслиги лозим.

Биз ўтмишнинг қонли саҳифаларини унутмайлик. Зулмни ҳам, қатағонни ҳам, ноҳақликни ҳам холис ўрганайлик. Лекин тарихдаги жиноятқорларнинг қилмишини бутун бир халқ, миллат ёки тил зиммасига юклашдан сақланайлик. Чунки кечаги зулм учун бугунги инсонни айблаш адолатдан эмас. Тилни айблаш эса ундан ҳам каттароқ адашишдир.

Одилжон МУҲАММАД,
журналист.



ЖАМИЯТ
Шукуҳ
2026 йил 24 сентябрь № 37 (1004)
7



МУАЛЛИМЛИК — ШАРАФ ВА МАСЪУЛИЯТ ТИМСОЛИ

Устоз — инсон қалбига илм нурини олиб кирадиган, эзгулик ва маърифат сари йўл кўрсатадиган улуғ зот. Муаллимлик эса нафақат касб, балки катта шараф, юксак масъулият ва фидойиликни талаб этадиган ҳаёт йўлидир.

Бугун мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, ўқитувчи ва зиёлиларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, таълимга берилган эътибор — келажакка берилган эътибордир.

Ана шундай эзгу мақсадлар йўлида 130 нафар фидойи ўқитувчилар 1820 нафар ўқувчиларга таълим-тарбия беришмоқда. Бу рақамлар ортида катта меҳнат, изланиш, сабр-тоқат ва масъулият мужассам. Ҳар бир дарс, ҳар бир тарбиявий суҳбат, ҳар бир ўқувчининг ютуғи замирида устознинг заҳмати бор.

Мактабимиз жамоаси таълим-тарбия жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил этиш билан бирга, ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Мактабда фаолият юритаётган «Жасорат» синфи бунинг ёрқин мисолидир. Мазкур синф ўқувчиларда Ватанга садоқат, жасорат, интизом, масъулият ва юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Мактабимиз ўқувчилари фан олимпиадаларида ҳам муносиб иштирок этиб келишмоқда. Айниқса, ҳуқуқ ва инглиз тили фанларидан ўтказилган республика олимпиадаларида ўқувчиларнинг фаол қатнашгани мактабда фанларни чуқур ўрганишга, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилаётганидан далолатдир.

Интеллектуал салоҳиятни намоён этувчи «Заковат» интеллектуал ўйинининг республика босқичида ҳам мактаб жамоасининг муваффақиятли иштирок этгани қувонарли. Зеро, бугунги ёшдан фақат дарсликдаги билимни эмас, балки мустақил фикрлаш, тезкор ва мантиқий хулоса чиқариш, жамоа билан ишлаш каби муҳим кўникмаларни ҳам эгаллаш талаб этилади.

Мактабдаги таълим самарадорлигини кўрсатадиган муҳим мезонлардан яна бири — битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига киришидир. Жорий ўқув йилида 91 нафар битирувчидан 38 нафари турли олий таълим муассасаларининг талабаси бўлди. Бу натижа ўқувчиларнинг билим олишга бўлган интилиши билан бир қаторда, уларни келажакдаги мустақил ҳаётга тайёрлаётган устозларнинг заҳматли меҳнати самарасидир.

Мактаб жамоасининг ютуқлари ҳақида сўз борганда, таълим даргоҳида фаолият юритаётган малакали ва тажрибали педагогларни алоҳида эътироф этиш жоиз.

Математика фани ўқитувчиси Дилором Мамашарипованинг меҳнати давлат томонидан юксак баҳоланиб, унга «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» фахрий унвони берилгани устознинг кўп йиллик самарали фаолияти ва таълим соҳасига қўшган муносиб ҳиссасининг эътирофидир. Бу каби юксак мукофот нафақат бир устознинг, балки бутун мактаб жамоасининг фахридир.

Мусиқа фани ўқитувчиси Ҳулкар Раббимованинг «Дўстлик» ордени билан тақдирлангани ҳам педагог меҳнатининг нақадар улуғ ва қадрли эканини кўрсатади. Зеро, мусиқа инсон қалбига бевосита таъсир қиладиган санъат бўлса, уни ёш авлодга ўргатиш, уларда гўзаллик ва нафосат туйғусини шакллантириш ҳам катта педагогик маҳоратни талаб этади.

Бугун мактаб жамоаси сафида ана шундай фидойи, билимли ва ўз касбига садоқатли педагогларнинг фаолият юритаётгани таълим масканининг энг катта бойлигидир. Чунки мактабнинг обрўси, аввало, унда дарс бераётган устозларнинг билими, дунёқараши, касбий маҳорати ва ўқувчиларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Муаллимнинг меҳнати кўзга дарҳол ташланмаслиги мумкин. Аммо унинг самараси йиллар ўтиб намоён бўлади. Кеча мактаб партасида ўтирган ўқувчи эртага шифокор, муҳандис, олим, ҳарбий, тадбиркор ёки давлат ва жамиятнинг турли соҳаларида фаолият юритадиган етук мутахассисга айланганда, унинг ортида албатта бир устознинг машаққатли меҳнати туради.

Комил БЕРДИҚУЛОВ,
Оқдарё туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактаби директори



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-910
Адади: 3018
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0010-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ЖАМИЯТ
2026 йил 24 сентябрь № 37 (1004)



ҚАЧОН ҚОРИН ТЎЙДИРИШДАН ОВҚАТЛАНИШГА ЎТАМИЗ?

Лаган-лаган таомни бир ўтиришда еб, уни тасвирга олаётган, тарқатиб, бу томошасининг кўримлилигини ошираётганлар қаторига энди аёллар ҳам қўшилибди. Яқиндагина шундай видеолавҳалар ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг кескин эътирозлари сабаб бўлди.

Бир пайтлар овқатланиш миллий маданият, қадрият даражасига кўтарилиб, ҳар бир ҳудуднинг бу масалада ўзига хос тамойиллари мавжуд эди. Бугун овқатланиш деганда, албатта, тўкин дастурхон ва бўкиб ейиш онгимизга сингиб боряпти. Аммо шу билан бир қаторда бошқа кузатувлар ҳам бор. Яқинда узоқ йиллардан бери хорижда яшаган бир ҳамкасбим Самарқандга келгач, бу ерда қариндошлари тўйларида иштирок этиб, ўз ҳайратини яшира олмади.

– Шаҳарни-ку қўяверинг, ҳатто туманларда ҳам одамлар тўй дастурхонидаги кўп масаллиқларга қўл текизмаяпти, - дейди у. – Товуқ гўшти, колбаса маҳсулотларига ҳеч ким қўл узатмади, ҳатто. Бу тўкинчиликдан бўлса керак. Аниқ-тиниқ эсимда, бир пайтлар тўй дастурхонларида бу маҳсулотлар биринчи галда истеъмол қилинарди. Табиийки, бундай маълумотлар Ўзбекистон аҳлининг қорни тўйган, у овқатланиш масаласида бир пайтлар дуч келган қийинчиликлардан ўтиб олди, деган тушунчаларни беради. Аслида ҳам шундайми? Умуман, бизнинг овқатланиш маданиятимиз оддий кузатувлар ракурсидан рақамли умумлашма ҳолига келганда қандай кўринишга эга бўлади?

Меъёрдан кўпроқ еяпмизми?

Шу яқин йилларда оммавий ахборот воситаларида тарқалган яна бир хабар кўпчиликнинг энсасини қотирган бўлса-да, аммо ҳақиқат эди. Яъни “Ўзбекистон аҳолиси мол гўшти истеъмоли бўйича дунёда олтинчи ўринда турибди. Мамлакат аҳолиси жон бошига йилига 31,6 килограмм гўшт истеъмоли тўғри келмоқда”. Бу тахмин эмас, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) нинг статистикаси. Шу фикрлар сабаб бўлиб, мамлакат аҳолиси овқатланиш рационининг умумий кўриниши ҳақда билмоқчи бўлдим. Ва очиқ маълумотлар ёрдамида баъзи факт ва рақамларни ўргандим. Бу рақамлар сизни ҳам албатта қизиқтиради, бунга ишонаман. Чунки, гарчи бу маълумотлар очиқ бўлса-да, барчамиз ундан хабардор эмасмиз.

Хусусан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) нинг хулосаларига кўра, Ўзбекистонда озиқ-овқат истеъмоли тузилмаси рационидаги кунлик калория миқдорининг барқарор ўсиши ва ўсимлик маҳсулотларининг устунлиги, гўшт ва мева-сабзавот маҳсулотлари улушининг сезиларли даражада кўпайиши кузатилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ўртача кунлик озиқ-овқат энергияси истеъмоли кунига 2500-2700 ккалдан ошади.

FAO методологиясига кўра, (озиқ-овқат хавфсизлиги тажрибаси шкаласини ҳисобга олган ҳолда) мамлакат овқатланишни яхшилаш ва тўйиб овқатланмасликни камайтиришда ютуқларга эришди, аммо парҳезни диверсификация қилиш ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига аҳолининг барча қатлами учун етарли имкон беришдаги фарқларни бартараф этишда мураккабликлар сақланиб қолмоқда.

Шу ўринда парҳез диверсификацияси тушунчасига озроқ тўхталсак. Маълумотларга кўра, парҳезни диверсификация қилиш — бу организмга барча зарур озиқа моддалари, витаминлар ва минералларни етказиб бериш учун истеъмол қилинадиган маҳсулотлар турларини имкон қадар бой ва хилма-хил қилиш демакдир. Бунинг афзалликлари жуда кўп. Хусусан, турли хил мева, сабзавот, донли маҳсулотлар ва оқсилларни ейиш иммунитетни оширади. Қолаверса, бир хил овқатни ейиш организмда айрим моддалар етишмовчилигига олиб келиши мумкин. Ҳар хил турдаги клетчатка (толалар) фойдали ичак бактерияларини қўллаб-қувватлайди.

Узоқ кутилган “истеъмол савати”

Юқоридагилар – бизнинг овқатланишимизнинг умумий кўриниши. Хўш, иқтисодий кўринишда бу қандай акс этади?

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда даромадлар 8–9 баравар ошган бўлса-да, инфляция даражаси (базавий нархлар индекси) чегириб ташланганда аҳолининг реал даромади 2010 йилга нисбатан тахминан 120–150 фоизга (2,2-2,5 баравар) ошди.

Аҳоли жон бошига гўшт, сут, мева-сабзавот ва қандолат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми 35 фоиздан 55 фоизгача ортди. Истеъмол таркибида ун ва ғалла маҳсулотлари улуши камайиб, оқсил ва витаминга бой маҳсулотлар улуши ортгани кузатилади.

2021 йилгача Ўзбекистонда расмий "истеъмол савати" тушунчаси ва унинг аниқ молиявий меъёри юритилмас эди. 2021 йилдан эътиборан расман минимал истеъмол харажатлари - камбағаллик чегараси жорий этилди.

Минимал истеъмол савати нархи 2021 йилда (илк эълон қилинганда): бир киши учун ойига 440000 сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йил бошида бир киши учун ойига 669000 сўм этиб белгиланди. Солиштириш учун: 2010 йилда озиқ-овқат ва муҳим товарларнинг шартли минимал тўплами киши бошига тахминан 80 000 – 110 000 сўм атрофида бўлган.

Тўйлардаги тўкинлик кунлик рацион дегани эмас

Хўп, аҳолининг даромади оч қолмаслик учун етарли экан, биз килокалорияларни маълум меъёрдан ҳам ортиқча олаётган эканмиз, муаммо нимада? Табиийки, зукко ўқувчи юқоридаги таҳлил ва рақамлардан ҳам буни аллақачон тушуниб етган бўлса керак. Аҳолининг барча қатлами ҳам сифатли овқатланиш имконига эгами?

Асосий мижозлари талабалар бўлган дўкон эгасидан улар кундалик озиқ-овақт истеъмоли учун кўпроқ қандай маҳсулотлар сотиб олиши ҳақида сўрадим.

– Асосий даромадим шу дўкон орқали бўлгани учун албатта мижозларнинг истаги асосида маҳсулот олиб келишга интиламан, - деди у. – Ҳатто бундан икки йил аввал ҳам талабалар асосан сабзавотлар, яъни асосан картошка, пиёз, шунингдек, тухум, ёғ ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлар сотиб оларди. Бугун улар асосан ярим тайёр маҳсулот сотиб олади. Хусусан, тайёр сэндвичлар, ярим тайёр хамирли таомлар, тухум, колбаса маҳсулотлари уларнинг асосий харидлари ҳисобланади. Уларнинг кунлик овқатланишига ўртача 30-50 минг сўм маблағ сарфлаганини кузатганман.

Мамлакатимиз иқтисодчилари ўрганган вазият ҳам айнан шундан далолат бермоқда. Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори Ҳайитмурод Хўжақуловнинг “Ўзбекистон Республикасида турли аҳоли гуруҳларининг озиқ-овқат хавфсизлиги статистикаси” номли илмий мақоласида қуйидаги хулосалар келтирилган:

“Таҳлилий нуқтаи назардан қараганда, турли ижтимоий гуруҳлар – меҳнатга лаёқатли аҳоли, нафақахўрлар ва ёшлар – озиқ-овқат нархларининг ўзгаришига ва озиқ-овқат саватчаси таркибига турлича сезгир. Нафақахўрлар одатда чекланган даромадга эга, бу уларни нархларнинг ошишига мойил қилади. 17 ёшгача бўлган ёшлар жисмоний ва интеллектуал ривожланиш учун етарли овқатланишга муҳтож. Озиқ-овқат хавфсизлигининг пастлиги соғлиқнинг ёмонлашишига, қашшоқликнинг ошишига ва иқтисодий фаолликнинг пасайишига олиб келади. Статистик таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда турли аҳоли гуруҳлари учун озиқ-овқат хавфсизлиги доимий мониторинг ва сиёсатни ўзгартиришни талаб қиладиган долзарб ижтимоий ва иқтисодий масала бўлиб қолмоқда. Статистик маълумотларни ҳар томонлама баҳолаш, хусусан, маълум гуруҳлар учун озиқ-овқат саватлари нархи, истеъмол, овқатланиш одатлари ва минтақавий фарқлар бўйича қўшимча таҳлил қилишни талаб қилади.

Инфляция тенденциялари, бюджет ислоҳоти ва ижтимоий сиёсатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакат аҳолиси учун озиқ-овқат маҳсулотларига тенг имкониятни таъминлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигининг умумий даражасини яхшилаш учун мониторинг тизимларини институционал такомиллаштириш ва мақсадли қўллаб-қувватлаш тавсия этилади”.

Демак, бизнинг тўй-маъракаларимиздаги уч қават қилиб безатилаётган дастурхон умумий овқатланишимиз даражасини билдирмас экан. Қайсидир маънода у статистикага таъсир кўрсатади, яъни бизнинг гўшт истеъмолимиз дунё миқёсида олтинчи ўринга чиқиб кетишида айнан шу, қази-қартаю, гўшт маҳсулотларига тўлган тўй дастурхонларимиз сабаб бўлган бўлса ажабмас.

Аммо биз бошқача бўлишини, фарзандларимиз туғилганиданоқ соғлом овқатланиши ва барча халқаро меъёрларга кўра ривожланиши тарафдоримиз. Қариялар ҳам ўз навбатида витамини таомлар истеъмоли учун имкониятга эга бўлиши лозим. Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, бу йўлдаги қадамларимиз бор ва улар давом этмоқда.

Гулруҳ МЎМИНОВА